

УДК 619.616.61724.8.559.59

РИФИЗОСТРЕП ПРЕПАРАТИ БИЛАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ ДАВОЛАШ УСЛУБИ

Мамадуллаев Г.Х. - вет.фан.доктори, катта илмий ходим

Файзиев У.М. - мустақил изланувчи,

Джураев О.А. - вет.фан.номзоди, катта илмий ходим

Ветеринария илмий тадқиқот институти

Аннотация: Ушбу мақолада Ветеринария илмий тадқиқот институти Туберкулёз лабораторияси олимлари томонидан яратилган туберкулёзга қарши “Рифизостреп” препаратининг қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг респиратор, ошқозон-ичак, гинекологик, жаррохлик, офтальмологик ва гипо- ва авитаминозлар профилактикаси учун қўлланилиши ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: Рифизостреп, респиратор, бронхит, бронхопневмония, гинекология, жаррохлик, абсцесс, флегмона, офтальмология, кератит, кератоконъюнктивит, блефарит, гиповитаминоз, авитаминоз.

Ветеринария илмий тадқиқот институти Туберкулёз лабораторияси олимлари томонидан яратилган туберкулёзга қарши “Рифизостреп” препарати қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг турли касалликларини даволаш ва олдини олишда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Препарат фармакопея дориворларидан ташкил топган бўлиб, унинг таркибига кирувчи дориворлар кенг таъсир кўрсатиш доирасига эга ва бактериал касалликлар кўзғатувчиларига қарши бактериостатик ҳамда бактерицид таъсир этувчи кимёвий дориворлар ва антибиотиклар комплексидан иборат комбинацияланган комплекс суспензия. Шакл ясовчи элемент сифатида витаминли ўсимлик мойи қўлланилган. Препарат ташқи муҳит учун безарар, организмга номутаносиб таъсир кўрсатмайди. Препарат физико-кимёвий хусусиятига кўра, қизғиш рангли ташқи кўринишга эга бўлиб, витаминли ўсимлик мойидан иборат суспензия шаклида, ўзига хос ҳидли, сувда эрмайди. Сақлаш давомида идиш тубига препаратнинг таъсир этувчи асосий компонентлари чўкма ҳосил қилади. Препаратни қўллашдан олдин бир жинсли гомоген мойсимон суспензия ҳолати ҳосил бўлгунча яхшилаб чайқалтириб аралаштириб олинади. Йилнинг совуқ фаслида флаконлар сув ҳаммомида (+36 + 40°C) иситиб олинади.

Препарат 100-200 мл сиғимли шиша флаконларда қадокланади. Ҳар бир флакон оғзи резина тиқин билан ёпилади ва устидан алюмин қопқоқча ёрдамида маҳкамланади. Ҳар бир флаконга ёрлиқ ёпиштирилади ва унда ишлаб чиқарувчи ташкилот ва препарат номи, тайёрланган вақти ва яроқлилиқ муддати, Ташкилот стандарти (Ts), серияси ва давлат назорати рақамлари, микдори ва қўллаш тартиби, ҳамда сақлаш шароити ва муддати кўрсатилади. Флаконлар картон ёки тахта қутиларга жойлаштирилади ва юк ташиш

воситалари орқали ташилади. Препарат қоронғи ва салқин шароитда хона ҳароратида (+14+18°C) сақланади. Яроқлилик муддати-ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 12 ой.

Фармокологик хусусиятига кўра, Рифизостреп таркибига кирувчи компонентлар тиббиёт ва ветеринарияда қўлланилади ва кенг доирали антимикроб таъсирига эга бўлиб, фармакокинетикаси туберкулёз микобактериялари, атипик микобактериялар, Риккетсиялар, *Micobacterium* *tergae*, грамманфий (кокклар, ичак таёқчалари, сальмонеллалар, клебсиеллалар, туляремия ва б.ш.) ва граммуспат (лептоспирозлар, стафилакокклар, пневмококклар, стрептококклар) микроорганизмларга бактерицид ва бактериостатик таъсир кўрсатади. Препарат айрим тур вирусларга вирулоцид таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Препарат таркибига кирувчи компонентларнинг ўзаро комбинацияси - **синергетик** (бир дори таъсирини иккинчиси кучайтириши) ва **пролонгация** (дорининг таъсир муддатини узайтириши) самарасини беради.

Фармакокинетикасига кўра, препарат таркибидаги витаминли ўсимлик мойи адъювант вазифасини бажаради ва узок муддат давомида (30 кунгача) организмга секин сўрилиб туради ва пролонгация хусусиятини беради.

Рифизостреп таркибидаги изониазид (тубазид) препарати организм хужайраси ичида ва ташқарисида миграция қилаётган бактерияларининг ташқи мембранаси структурасини бузиш хусусиятига эга. Хужайра мембранаси бузилган касаллик қўзғатувчисининг цитоплазмасига антибиотик препаратлари осонлик билан киради ва махсус оксил рецепторларидаги рибосомаларнинг 30S суббирлиги билан бирикади. Бу полирибосомаларнинг бузилиши ва ДНК дефектига олиб келади. Рифампицин кенг антимикроб ва вирулоцид таъсирга ҳам эга, маҳаллий яллиғланиш ҳамда некроз жараёнини олдини олади.

Парентерал (тери остига) йўл билан юборилган препаратнинг инъекция жойида депо ҳосил бўлиб, секин сўрилади ва организмда 15-20 кундан сўнг максимал тўпланади ва 30 кунгача сақланади. Препарат организмдан асосан буйрак ва ўт суюқлиги орқали ажралиб чиқади.

Препарат ҳайвонларнинг ўнг ёки чап томон бўйин қисмига, курак-елка бўғинидан 10-15 см олд томонига ва тўшлик қисми тери остига юборилади. Гинекологик, офтальмологик ва жарроҳлик касалликларида жароҳат ва яллиғланиш жойига пипетка ёрдамида томизилади. Препаратнинг бир марта инъекция қилиш дозаси ҳайвонларнинг тирик вазнига кўра, ҳар 100 кг вазнга 5 мл. ҳисобида юборилади. Тирик вазни 400 кг ва ундан юқори ҳайвонларга 20 мл. дан ортиқ юбориш мумкин эмас. Препаратни жароҳат жойига томизиш яллиғланиш даражаси ва локализациясига боғлиқ бўлиб, 1-2 мл дан 20 мл гача юбориш мумкин. Масалан, кўз орбитасига 1-2 мл томизилса, бачадон бўшлиғига 20 мл гача, жарроҳат жойига 5-20 мл томизилади. Препаратни 10 кунлик ёшдан бошлаб физиологик ҳолатидан қатъий назар барча турдаги ҳайвонларга қўллаш мумкин.

Ҳайвонларни бактериал (колибактериоз, сальмонеллез, пастереллез, лептоспироз, диплококкоз ва б.ш.) инфекцион бактериал касалликларга қарши эмлангандан сўнг 14-21 кун давомида Рифизостреп препаратини инъекция

қилиш мумкин эмас. Чунки, препарат таркибидаги антибактериал препаратлар иммоногенезга таъсир кўрсатади. Препаратнинг оптимал инъекцион дозаларини қабул қилган ҳайвонлардан олинган гўшт ва сут маҳсулотларини чекловсиз истеъмолга чиқариш мумкин. Организм учун препарат томонидан номутаносиб таъсир кузатилмайди.

Препарат ҳайвонларга инъекция қилингандан сўнг укол жойида оғриқсиз шиш ҳосил бўлади ва секин организмга сўрилади. Организм учун препарат томонидан бошқа номутаносиб таъсир кузатилмайди. Антidot ёки бошқа нейтралловчи дори воситаларга эҳтиёж йўқ.

Рифизостреп препарати билан Респиратор касалликларни даволаш.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг респиратор касалликларини (бронхит, бронхопневмония, пневмония) Рифизостреп ёрдамида даволаш учун дастлаб ташқи ва ички номақбул этиологик таъсиротлар бартараф қилинади. Ҳайвонларни сақлашнинг оптимал зоогигиеник меъёрлари яратилади. Бирламчи стресс омилларга (елвизак, аммиак ва намлик) барҳам берилади. Озиқа рацион оқсил, углевод, витаминлар, макро- ва микроэлементлар билан бойитилади. Ҳар 2 кунда 1 марта тери остидан 5мл/100 кг вазни ҳисобида касал ҳайвонларга Рифизостреп инъекция қилинади. Қўшимча равишда бинолар поли механик тозаланиб, 3% формалин ва 3% ўювчи натрий эритмалари билан дезинфекция қилиниши, жорий таъмирлаш ва 5% сўндирилган оҳак билан оқлаш ишлари йўлга қўйилиши лозим. Бундай тадбирларни даврий равишда ўтказиб бориш зарур.

Рифизостреп препарати билан гинекологик касалликларни даволаш.

Аҳоли қарамоғидаги ва чорвачилик хўжаликлари фермаларида сигирларни гинекологик касалликлардан (эндометрит, метрит, йўлдош ушланиб қолиши) даволаш учун дастлаб бачадон бўшлиғи ёт моддалардан механик тозаланади, дезинфекцияловчи эритмалар ёрдамида ювиб олинади. Сўнг бачадон бўшлиғига ҳар бир сигирга 20-мл Рифизостреп шприц катетор ёрдамида юборилади. Бу процедура 5-6 кун ичида 2-3 марта такрорланади. Сигирнинг умумий аҳволиги кўра, бошқа консерватив даволаш муолажалари қилиш мумкин. Бўйин териси остидан 5 мл/100 кг дозада Рифизостреп юборилади. Профилактик мақсадда Рифизостреп қабул қилган сигирларда буғозлик даврида бачадондаги бузоқ нормал ривожланади ва соғлом–ҳаракатчан бўлиб туғилади.

Ҳар хил шаклдаги (катарал, геморрагик, зардобли, йирингли) мастит касалликларини даволаш учун Рифизостреп қуйидагича қўлланилади. Касалланган елин бўлмаси соғиб ташланади, шприц-катетор ёрдамида сут цистернасидаги экссудат сўриб олинади ва елин бўлмасига 10-15 мл.миқдорда Рифизостреп шприц-катетор ёрдамида юборилади. Маститни даволаш самарадорлигини ошириш учун эндотоксинлардан организмни тозалаш мақсадида 40-60 МЕ дозада мускул ичига окситоцин препарати юбориш мумкин. Ҳайвоннинг физиологик ҳолатига мувофиқ 10% кальций хлор эритмаси 150-200 мл дозада вена орқали юборилади. Бу процедура 5 кун ичида 2-3 марта такрорланади.

Рифизостреп препарати билан Гипо ва авитаминозлар

профилактикаси. Чорвачилик фермаларида баъзан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари организмида айрим витаминлар етишмаслиги сабабли, полигиповитаминозлар учрайди ва яққол клиник белгилар кузатилмайди. Натижада ҳайвон организми ўсишдан орқада қолади, тирик вазни камайиб бошлайди, маҳсулдорлик камайиб кетади, касалликларга чалинувчанлиги кучаяди. Препарат қўлланилган чорвачилик фермаларида авитаминоз ва гиповитаминозларнинг олди олинади. Ҳайвонларга авитаминозларнинг профилактикаси учун 5 мл/100 кг дозада жорий этиладиган Рифизостреп ёрдамида 90-100% профилактик самарадорликка эришилади.

Рифизостреп препарати билан Офтальмологик касалликларни (блефарит, кератит, кератоконъюнктивит, конъюнктивит) даволаш: Хўжаликлар сут товар фермалари биноларида полнинг нотекислиги ва сифатсиз механик тозалаш туфайли бино ичида аммиак газининг миқдори ва намлик ошиб кетганлиги сабабли бузоқларда офтальмологик касалликлар тарқалади.

Рифизостреп ёрдамида кўз касалликларини даволаш учун касал ҳайвонларни сақлаш жойи ўзгартирилади ва оптимал зоогигиеник шароит яратилади. Озиқлантириш рацони кучайтирилади. Даволаш процедуралари ўтказиш учун конъюнктивга халтасига 1-2 томчи Рифизостреп ҳар куни 1 марта томизилади. 2-3 марта препарат томизилгандан сўнг ҳайвонлар самарали даволанади. Заруратга кўра, Рифизостреп 5 мл/100 кг дозада инъекция ҳам қилинади.

Механик жароҳат туфайли баъзан ҳайвонларда кўзи шишади, бириктирувчи тўқима қобиғи гиперемияга учрайди, қон қуйилади, йирингли зардоб оқади. Баъзан қишлоқ хўжалик ҳайвонларида кўз орбитаси оқ рангли плёнка билан қопланади ва кўзи кўр бўлиб қолади. Бундай ҳайвонларни даволаш учун кўз конъюнктивга халтасига 3% ли бор кислотаси билан ювилади. Сўнггра конъюнктивга халтасига 5-6 томчи “Рифизостреп суспензияси” томизилади. Заруратга кўра, препарат инъекция ҳам қилинади. 3-4 марта ишлов берилгандан сўнг ҳайвонларнинг кўзи 100% даволанади.

Рифизостреп препарати билан Жарроҳлик касалликларини даволаш. Чорвачилик фермаларида турли хил механик-травматик жароҳатлар учраб туради ва чорвадорларга муаммо туғдиради. Механик жароҳат локализацияланган жойда турли стафилококklar, стрептококklar ва бошқа бактериялар ривожланади ва натижада ҳайвон танасида йирингли ўчоқлар ҳосил бўлади. Абсцесс, флегмона каби жароҳатларни Рифизостреп қўллаш ёрдамида даволаш процедуралари ўтказиш ижобий самара беради. Жумладан, қишлоқ хўжалик ҳайвонларида гавда соҳасида турли жойда жайлашадиган абсцесс, флегмоналар ушбу препаратни қўллаш орқали муваффақиятли даволанади.

Бунинг учун жароҳат жойидаги экссудат, секвестр ва некрозга учраган тўқима жарроҳлик усулида механик тозаланди, дезинфекцияловчи эритмалар ёрдамида ювиб олинади, жароҳат бўшлиғига дренаж ёрдамида Рифизостреп қўлланилади, қўшимча инъекция ҳам қилинади. Препарат жарроҳлик касалликларини даволашда юқори терапевтик ва антисептик самара беради ва касал ҳайвонларда 2-3 кун ичида грануляцион тўқима ўсиши ва жароҳатнинг

соғайиши кузатилади. Ишлатишга яроқсиз препарат қайнатиш йўли билан зарарсизлантирилади.

Препаратдан бўшаган флаконлар, ишлатилган шиша шприц ва игналардан қайнатилиб тозалангандан сўнг яна фойдаланиш мумкин, бир марталик фойдаланиладиган игна ва шприцлар утилизация қилинади. Ҳайвонларни препарат билан инъекция қилиш ветеринария врачлари ёки ветеринария фельдшери томонидан асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Препаратни ҳайвонларга қўллашда техник хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозим. Препарат қўлланилгандан сўнг ҳайвонлар организмида номутаносиб таъсир кузатилса, бу ҳақда белгиланган тартибда Ўзбекистон Давлат ветеринария препаратларини назорат қилиш илмий лабораторияси (Тошкент ш. Чилонзор тумани Дийдор кўчаси №100) ва ВИТИ-га маълумот ва препарат намунаси юборилади. (Манзил:141500 Самарқанд вилоят Тойлоқ тумани Чороғбон МФЙ Янги Тойлоқ 1 қишлоғи 67 уй Тел.: (99866) 666-56-30; Fax; +(99866) 666-56-76, +99890-655-13-13. e-pochta: nivi@vetgov.uz).

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Мамадуллаев, Г., Тохлиев, А., & Джуракулов, О. (2024). Биологические показатели туберкулинового диагностического средства ППД, приготовленного из местного штамма. *in Library*, 1(1), 18-21.
2. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Тухлиев, А., & Джуракулов, О. (2024). Особенности возникновения эпизоотий и эпидемий туберкулеза крупного рогатого скота. *in Library*, 2(2), 240-247.
3. Мамадуллаев, Г., Саидов, А., Файзиев, У., & Джуракулов, О. (2024). Влияние на возникновение аллергических туберкулиновых реакций у крупного рогатого скота. Факторы. *in Library*, 2(2), 154-158.
4. Мамадуллаев, Г., Ибрагимов, Д., Ибрагимова, Ф., & Даминов, А. (2024). Влияние препаратов с синергической смесью фенцидов на интенсивность инвазии, морфологические показатели крови и лейкоцитарную формулу при эймериозе кур, смешанном с колибактериозом. *in Library*, 2(2), 1-8.
5. Мамадуллаев, Г., & Файзиев, У. (2024). Рифизостреп–новый препарат против туберкулеза. *in Library*, 1(1), 120-126.
6. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., & Джуракулов, О. (2024). Бактериологическая характеристика внутренних органов кроликов, получавших «РИФИЗОСТРЕП» после туберкулезной инфекции. *in Library*, 1(1), 21-26.
7. Мамадуллаев, Г., & Джуракулов, О. (2024). Экономическая эффективность способа химиопрофилактики туберкулеза крупного рогатого скота с применением препарата этис-2. *in Library*, 1(1), 149-155.
8. Мамадуллаев, Г., & Джураев, О. (2024). Патоморфологическое исследование действия рифизострепа на внутренние органы кроликов. *in Library*, 1(1), 123-127.
9. Мамадуллаев, Г., Файзиев, У., Джуракулов, О., Сапаров, А., & Хамидов, С. (2024). Химиопрофилактическая эффективность препарата

«РИФИЗОСТРЕП» при экспериментальном туберкулезе морских свинок. *in Library*, 1(1), 15-20.

10. Djurakulov, O. K., & Mamadullayev, G. H. (2024). QORAMOLLAR TUBERKULYOZINI ETIS-2 PREPARATI YORDAMIDA KIMYOPROFILAKTIKA QILISH USLUBINING IQTISODIY SAMARADORLIGI. *Ustozlar uchun*, 1(1), 149-155.

11. Джураев, О. А., & Мамадуллаев, Г. Х. (2024). ҚУЁНЛАР ИЧКИ АЪЗОЛАРИГА РИФИЗОСТРЕПНИНГ ТАЪСИРИНИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎРГАНИШ. *Ustozlar uchun*, 1(1), 123-127.

12. Mamadullayev, G. X., Fayziyev, U. M., Djurakulov, O. K., Saparov, A. R., & Xamidov, S. (2024). TUBERKULYOZ YUQTIRILGANDAN SO 'NG "RIFIZOSTREP" QABUL QILGAN QUYONLAR ICHKI A'ZOLARINING BAKTERIOLOGIK TAVSIFI. *Ustozlar uchun*, 1(1), 21-26.

13. Mamadullayev, G. X., Fayziyev, U. M., Djurakulov, O. K., & Saparov, A. R. (2024). DENGIZ CHO 'CHQALARINING EKSPERIMENTAL TUBERKULYOZIDA "RIFIZOSTREP" PREPARATINING KIMYOPROFILAKTIK SAMARADORLIGI. *Ustozlar uchun*, 1(1), 15-20.

14. Элмуродов, Б. (2024). Мамадуллаев Гулмурод Хамидович–учёный, завоевавший любовь учителей. *in Library*, 1(1), 3-4.

15. Ibragimova, F., Ibragimov, D., Daminov, A., & Mamadullaev, G. (2024). The influence of drugs with a synergistic mixture of phencides on the intensity of invasion, morphological blood parameters and leukocyte formula in chicken eimeriosis mixed with colibacillosis. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 118, p. 01007). EDP Sciences.

16. Djurakulov, O. K., Navruzov, N. I., & Kh, M. G. (2023). ETIS-2 COMPLEX DRUG AND SALMONELLA OF OTHER TYPES OF ANTIBIOTICS INFLUENCE ON DRIVERS. *Procedia of Theoretical and Applied Sciences*, 7.

17. Мамадуллаев, Г., Мадпахимов, Ш., & Абдурасулов, Ш. (2023). Некоторые физиолого-морфологические показатели крови помесных быков Г1 первого поколения. *in Library*, 4(4), 31-34.

18. Мамадуллаев, Г., Джуракулов, О., & Наврузов, Н. (2023). Резистентность и чувствительность возбудителя сальмонеллеза к антибактериальным препаратам. *in Library*, 3(3), 28-32.

19. Мамадуллаев, Г., Мадрахимов, Ш., Бойбулов, Б., & Амиров, Ш. (2023). СПРАВОЧНЫЕ показатели крови лошадей карабаирской породы. *in Library*, 4(4), 34-36.

20. Мамадуллаев, Г., & Усмонова, Х. (2023). Метод лечения и профилактики трихофитии крупного рогатого скота. *in Library*, 4(4), 105-114.

21. Мамадуллаев, Г., & Усмонова, Х. (2023). Способы лечения и профилактики трихофитии крупного рогатого скота. *in Library*, 3(3), 100-105.

22. Мамадуллаев, Г., Эгамова, Д., & Нематов, С. (2023). Лабораторные испытания туберкулина «ВИТИ БИОВЕТ». *in Library*, 4(4), 382-386.